

МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ ВА УНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИДАН

Дониёров С., К. Мадрахимова З., ГулДУ ўқитувчилари

Инсоният қадимдан Мирзачўл воҳа ерларини ўзлаштиришга ҳаракат қилганлар. Мирзачўл воҳа ерларини оби ҳаётга тўлдириш ва уни инсон измига бўйсундиришни авлодларимиз қадим-қадимдан орзу қилиб келганлар. Чунки бу авлодларимиздан мерос бўлиб келган дехқончиликнинг бой тажрибаларидан самарали фойдаланиш, саноат ва қурилишнинг катта имкониятларидан ижодий фойдаланишнинг салоҳияти мавжудлиги таҳсинга сазовардир. Шу мақсадда VII-XV асрларда Мирзачўл воҳасини ўзлаштириш ишларига ҳаракат қилинган. XV асрдан Ўринбой ариғининг излари сақланиб қолинган. Бу ариқ Гулистон туманига қарашли “Уч қаҳрамон” хўжалиги ёнидан ўтган. Ўринбой ариғи орқали тарихда биринчи маротаби Мирзачўл воҳасида 7000 гектар ернинг суғорилиши мўлжалланган. Кейинчалик Дўстлик канали ана шу ариқ ўрнидан бошлаб қазилган. Аниқроғи, 1871 йилда инженер-технолог Н.Ульянов Мирзачўлдаги ирригация ишларига раҳбарлик қила бошлади. Унга генерал К.П.Коуфман Мирзачўлни ўзлаштириш лойиҳасини тузишни таклиф этди. Бу лойиҳага асосан 14,5 чақирим масофага канал қазилиб, Н.Ульянов лойиҳаси бўйича канал қазашга киришилади. Иш ҳажми кенг, лекин маблағ оз эди. Мирзачўл воҳа тарихида Ўринбой ариғидан бошланган Дўстлик каналининг қазила бошланганига ҳам чўлга сув чиқаришга уринишлар бўлган. Бунга Туятортар каналини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу канал Зарафшон дарёсидан бошлаб қазилган. Туятортар канали Булунғур каналининг бир қисм сувини ўзига олади. Шундан кейин у Молгузар тоғлари этакларидан ўтиб, шимол томонга бурилади. Кейин Сангзор дарёси билан қўшилиб, Мирзачўл воҳа ерларига оққан, Туятортарнинг суви бир неча ариқларга бўлиниб, экинзорларга жон киритган. Ана шундай ариқлардан икkitаси Қарой Мирзаобод деб номланган. Уларнинг суви Сирдарё туманига қарашли “Малик” ширкатлар уюшмаси ерларига етиб келган. Кейинчалик Зарафшон дарёсининг ўзанида сув қамайгач, бу ариқларда сув оқмай қолган.

912 йилда Туятортарни қайта тиклашга ҳаракат қилинди, лекин сув танқислиги натижасида у эътибордан четда қолди. 1878 йилга келиб 13 км узунликда Дўстлик канали қазилди. Бу канал қадимда Кеназ ариқ деб аталган. Канални қазиш ишларисустлик билан олиб борилган, ишчиларга кам ҳақ тўланган, шунинг учун бу ишга ҳеч кимда қизиқиш бўлмаган.

1883 йилда князь Н.К.Романов Мирзачўлга келади. У бевосита чўлни суғориш иши билан шуғулланади. Князь Н.К.Романовнинг маблағи ҳисобига 1883-1885 йилларда Искандар ариғи қазилади.

1885 йилда Бухоро ариқ Бекободдан Еттисойга қараб қазилади. Аммо бу ишлар чиппакка чиқади. Каналдан сув оқмайди. Кейин Н.К.Романов Кеназ ариғини қазишга зўр беради. Нихоят 1896 йилнинг 1 сентябрида Мирзачўлга сув оқади. Каналнинг узунлиги Бекободдан Сардобагача 90 км эди. Бу канал орқали Мирзачўлнинг Шарқий Жанубий қисмида 10000 га ерни суғоришга мўлжалланган эди. Аммо бу қаноатланарли иш эмас эди.

1889 йилда канал қазиш ҳақида янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Бу лойиҳага кўра 45000 гектар ер суғорилиши кўзда тутилганди. 1904 йилга келиб канал қурилишига инженер С.И.Островский раҳбарлик қилди. Шунда канал қазиш ишларига 900 нафар киши жалб этилди.

1913 йилнинг 5 октябрида Дўстлик каналининг тантанали очилиш маросими бўлади. 1947 йилда Боёвут туманига сув келди. 1959 йили Саркисов номли Жанубий Мирзачўл канали ишга тушди. Дўстлик ва Жанубий Мирзачўл канали Сирдарёнинг қон томири ҳисобланади. Уни Мирзачўл воҳасининг эса ҳалоскори десак асло муболаға бўлмайди.

Мирзачўл воҳа марвариди бўлган Гулистонни-гулларга буркаш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқдамиз. Зеро, бу бизнинг Она замин олдидаги- Муқаддас фарзандлик бурчимиздир.